O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2005 йил 7 март, № 46 (3591) Душанба

ҲАМКОРЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан 5 март куни Покистон Ислом Республикаси Президенти Парвез Мушарраф расмий ташриф билан мамлакатимизга келди

Дўрмон қароргоҳида 6 март куни олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Шундан кейин Ўзбекистон ва Покистон раҳбарлари яккама-якка суҳбатлашдилар. Унда асосий эътибор икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига ҳамда минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга оид масалаларга қаратилди.

Ўзбекистон ва Покистоннинг ўхшаш жиҳатлари кўп. Жаҳон сиёсат майдонида Ўзбекистон ва Покистонга ҳақли равишда халқаро аксилтеррор коалициясини қатъий қўллаб-қувватлаган, террорчилик ва экстремизмга қарши курашнинг олдинги сафида турган давлатлар сифатида қаралади.

Минтақамизда хавфсизликни мустаҳкамлаш ва иқтисодий интеграцияни ривожлантириш борасидаги Ўзбекистон ташаббуслари халқаро миқёсда кенг қўллаб-қувватланаётир. Покистон ўз минтақасида барқарорликни таъминлаш ва иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим ўрин тутувчи мамлакат сифатида эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон билан Покистоннинг икки томонлама муносабатлари мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин янгича мазмун касб этди. Аммо Афғонистондаги фуқаролар уруши ва бунинг натижасида минтақада вужудга келган қалтис вазият ҳамкорликни имкониятлар даражасига кўтариш учун тўсиқ бўлиб келди. Афғонистонда эндиликда тинч ва осуда ҳаёт тикланмоқда. Бу Ўзбекистон ва Покистон муносабатларини таҳлил этиш, алоқалар истиқболини белгилаб олиш, ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини қайта кўриб чиқиш ва самарадорлигини ошириш имкониятини яратмоқда.

Парвез Мушаррафнинг ташрифидан кўзланган мақсад икки томонлама ҳамкорлик масалалари билан чекланмайди. Покистон АҚШ, Хитой, Туркия ва Форс кўрфази мамлакатлари билан стратегик ҳамкор. Ўзбекистон эса АҚШ, Россия, Япония каби давлатлар билан стратегик ҳамкорлик муносабатларини ўрнатган. Икки томонлама асосда ва ШҲТ доирасида қарор топган алоқалар туфайли Хитой ҳам Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги муҳим давлат сифатида қарайди. Демак, Ўзбекистон-Покистон ҳамкорлиги сиёсий ва иқтисодий алоқалар ҳамда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш нуқтаи назаридан долзарб масала сифатида намоён бўлмоқда.

Тошкент ва Исломобод ўртасида мустаҳкам ва узоқ муддатли алоқа ўрнатилиши Ўзбекистон учун Форс кўрфази мамлакатлари билан, Покистон учун эса Марказий Осиё давлатлари билан муносабатларни янгича асосда, кенг ривожлантириш имкониятларини очади.

Ислом Каримов ва Парвез Мушарраф ҳамкорликни барча соҳаларда фаоллаштириш ва янги мазмун билан бойитиш масалаларини муҳокама қилди. Алоқаларни мустаҳкамлашнинг ана шундай кенг қамровли стратегияси юзасидан фикр алмашдилар.

Президентлар Афғонистонга ёрдам кўрсатиш масалаларини ҳам муҳокама этдилар. Афғон муаммоси бўйича мулоқотларга мунтазамлик тусини беришга, терроризм, наркобизнес ва экстремизмга қарши кураш борасида тажриба ва ахборот алмашиб боришга келишиб олинди.

Ҳақиқий ислом дини билан динни ниқоб қилиб олган ғараз ниятли кучлар ўртасидаги фарқни аниқ ва кескин ажратиш лозимлиги тўғрисида томонларнинг фикри бир хил. Баъзи ақидапарастларнинг Покистон ҳудудида яшириниб юргани кўпчиликка маълум. Парвез Мушарраф мазкур муаммони ҳал этиш учун Покистон барча куч ва имкониятларни ишга солаётганини, бу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар келгусида ҳам қатъият билан давом этишини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, суҳбат чоғида БМТни ислоҳ қилиш, Покистоннинг ШҲТга қўшилиши билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ва Покистон расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокараларида икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатлар ҳамда минтақавий интеграция масалалари томонларнинг диққат марказида бўлди.

Ҳозир дунёда энергия захираларига талаб ортиб бораётгани сир эмас. Шу боис Покистон энергия манбаларига бой минтақа ҳисобланган Марказий Осиёдан чиқадиган жанубий йўналишдаги янги транспорт тармоқларининг ўз коммуникацияларига туташувидан манфаатдор. Ўзбекистоннинг Покистон йўллари орқали Араб денгизи соҳилларига чиқиши эса икки томон учун ҳам манфаатлидир.

Покистон компаниялари Ўзбекистон ҳудудидаги нефть-газ конларини разведка қилиш ва ўрганишга қизиқиш билдирмоқда. Шунинг учун Исломобод Афғонистон орқали Покистонга чиқадиган транспорт тармоқларини барпо этиш лойиҳаларига Ўзбекистонни ва Марказий Осиёдаги бошқа давлатларни жалб этиш ниятида. Бу Покистон товарларининг (пластмасса буюмлар, чарм ва картондан ясалган маҳсулотлар, доридармон, мева) Ўзбекистон орқали Марказий Осиё давлатлари бозорларига кириб боришига ҳам хизмат қилган бўлур эди.

Ўзбекистон эса Покистон бозорига йўналтирилган экспорт ҳажмини (пахта, полиэтилен, суюлтирилган газ, минерал ўғитлар, ғалла, қишлоқ хўжалиги техникаси) кенгайтириш имкониятига эга бўлади. Ҳозир Покистон Ўзбекистон пахтасини учинчи давлат орқали сотиб оляпти. Ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 8,4 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ваҳоланки, Эрон бандаргоҳлари орқали Покистонга 43 миллион долларлик пахта юборилди. Табиийки, икки томонлама савдо статистикасига бу рақам кирмайди. Шу боис музокарада бевосита савдо-сотиқ масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бош вазирларга савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Покистон қўшма комиссиясининг фаолиятини такомиллаштириш вазифасини юклашга келишиб олинди.

Қўшма корхоналар сонини ошириш масаласи ҳам кенг муҳокама этилди. Ҳозир Ўзбекистонда Покистон сармояси иштирокида тузилган 42 корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар 2004 йилда жами 19,5 миллиард сўмлик товар ишлаб чиқарди ва хизмат кўрсатди. Бунда экспортнинг улуши 4,4 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда "Табани корпорейшн" ва "Пакистан интернейшнл эйрлайнз" компанияларининг ваколатхоналари ишлаб турибди.

Бу кўрсаткичлар икки томонни ҳам қониқтирмаслиги, уни ошириш имкониятлари кўплиги таъкидланди. Ишбилармонлар ҳамкорлигини янада рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, банк-молия соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокама этилди.

Музокарада тарихий ва маданий яқинлик ижтимоий соҳадаги алоқаларни мустаҳкамлаш учун яхши омил эканлиги таъкидланди.

Икки мамлакат вакиллари Ўзбекистонда ва Покистонда ўтаётган турли халқаро санъат ва мусиқа фестивалларида, илмий-маърифий анжуманларда қатнашиб келмоқдалар. Кино ижодкорлари ҳамкорликда халқларимизнинг тарихий алоқаларига доир ҳужжатли фильмлар устида ишламоқдалар. Олимлар тарихий-маънавий меросга оид маданий ёдгорликларни, археологик топилмаларни, қўлёзмаларни тадқиқ этмоқдалар.

Лекин бу борадаги имкониятлар ҳам тўла ишга солинаётгани йўқ. Масалан, Бобурийлар даври билан боғлиқ тарихий жойлар бўйлаб қўшма экспедицияларни давом эттириш мумкин. Умуман, маданий ва илмий доираларнинг, спортчиларнинг ўзаро алоқаларини кўпайтириш даркор. Бу ўзаро ишончни мустаҳкамлашда ўзига хос муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Ҳозиргача Ўзбекистон-Покистон муносабатларининг ҳуқуқий асосини 20 ҳужжат ташкил этаётган эди. Дўрмондаги музокаралар якунида Президентлар Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислом Республикаси ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги қўшма баёнотга имзо чекдилар. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида 2005-2009 йилларга мўлжалланган маданий алоқалар дастури ҳамда халқаро терроризмга қарши кураш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Матбуот анжуманида Ислом Каримов ва Парвез Мушарраф музокаралар самимий ва ишчанлик руҳида ўтганини таъкидладилар, эришилган келишувлар икки томонлама муносабатларни янги босқичга кўтаришига ишонч билдирдилар.

Шу куни Покистон Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ҳамроҳлигида пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғига ташриф буюрди. Парвез Мушарраф жаҳон шеъриятининг даҳоларидан бўлган буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий хотирасига ҳурмат бажо келтириб, унинг ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Олий мартабали меҳмон Ўзбекистон тарихи давлат музейида бўлди. Покистон раҳбари мамлакатимиз тарихи, Истиқлол йилларидаги улкан ўзгаришларни акс эттирган экспонатларни кўздан кечирар экан, Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлидан оғишмай бораётганини таъкидлади.

Покистон Ислом Республикаси Президенти генерал Парвез Мушарраф юртимизга ташрифи давомида Самарқандни ҳам зиёрат қилади.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА мухбири.
СУРАТДА: учрашув пайти.
А. ТЎРАЕВ олган сурат.

Назоратчи эмас, кўмакдош

Миллий матбуот марказида Тошкент шаҳар монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси раҳбарлари ҳамда мутахассисларининг тадбиркорлар билан учрашуви бўлиб ўтди. Тадбирда мамлакатимизда иқтисодиётнинг устувор йўналиши деб белгиланган тадбиркорлик соҳасида соғлом рақобат муҳитини яратиш, бу борадаги камчилик, тўсиқ ва муаммоларни бартараф этиш тўғрисида сўз юритилди.

Пойтахтимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида қатор муаммолар тўпланиб қолганлиги боис, фаолият кўрсатаётган корхоналар сони камайиб кетмоқда. Хусусан, Шайхонтоҳур туманида ўтган йили 431 та янги корхона ташкил этилган, лекин 600 таси ўз ишини тўхтатган. Шу боис, соҳада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми пасайиб кетмоқда. Афсуски, бундай туманлар ягона эмас. Лекин жойлардаги 2 мингга яқин корхона раҳбарларидан рақобат муҳитига тўсиқ бўлаётган муаммолар тўғрисида сўралганда, уларнинг деярли ҳаммаси "йўқ" деб жавоб беришади. Шу билан бирга, кўпчилик тадбиркорлар Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини назорат қилувчи идора деб тушунади. Аммо, у аслида иқтисодиётда соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга кўмаклашувчи, тадбиркорликни ривожлантиришга ёрдам берадиган қўмита ҳисобланади.

Учрашув якунида тадбиркорлар бошқарма раҳбарлари ва мутахассисларига ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича саволлар беришди ва бундай тадбирларни тез-тез ўтказиш тўғрисида таклифлар билдиришди.

Ҳ.КАРИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Шахмат

Кучлар тенг келди

Хабарингиз бор, шахмат бўйича Линарес супертурнирининг иккинчи давраси ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов бироз мувафақиятсиз бошлаганди. У саккизинчи турда испаниялик гроссмейстер Франсиско Вальехо, тўққизинчи турда эса жаҳон шахмат таснифида биринчи ўринни эгаллаб турган Гарри Каспаровга имкониятни бой берди.

Супертурнирнинг ўнинчи турида Қосимжонов англиялик Майкл Адамсга қарши дона сурди. Унда томонлар дурангга имзо чекдилар. Ушбу турда Гарри Каспаров испаниялик Франсиско Вальехони мағлубиятга учратди. Вишванатан Ананд-Петер Леко учрашувида дуранг натижа қайд этилди.

Кеча ўн биринчи тур учрашувлари бўлиб ўтди. Қосимжонов ҳиндистонлик гроссмейстер Вишванатан Анандга қарши дона сурди.

З. ЖОНИБЕКОВ.

Жаҳон 24 соат ичида

Қурол-яроққа эҳтиёж йўқ

Айни пайтда Европа Иттифоқи томонидан 1989 йилда Хитойга қўлланилган қурол-яроғ сотишни тақиқловчи эмбаргони бекор қилиш масаласи кўтарилаяпти. Хитой ташқи ишлар вазири Ли Жаосиннинг баёнот беришича, расмий Пекин ҳозирда Европа мамлакатларидан қурол сотиб олишга эҳтиёж сезмайди, бунинг сабаби улар жуда қиммат ва мамлакат талабларига тўла жавоб бермайди.

Маълумот ўрнида шу нарсани ҳам айтиб ўтиш лозимки, бу йилда Хитой мудофаа қудратини юксалтириш учун 30 миллиард доллар сарфламоқчи.

Собиқ раҳбарнинг чақириғи

Скотланд-Ярд собиқ раҳбари Жон Стивенснинг огоҳлантиришича, ҳозирда Буюк Британияда «Ал-Қоида»нинг 200 нафарга яқин жангарилари яширинча навбатдаги қўпорувчилик ҳаракатларига тайёргарлик кўрмоқда. У ҳукуматни зудлик билан чора-тадбирлар кўришга чақирди. Бироқ, Стивенс қайси манбага асосланиб бундай чақириқ билан чиққанлигига аниқлик киритмади.

Януковичнинг таклифи

Украинанинг собиқ бош вазири Виктор Янукович мамлакатнинг НАТОга аъзо бўлиб кириш масаласини умумхалқ референдумига қўйиш таклифи билан чиқди. У бу ҳақда шанба куни партия съездида маълум қилди. Бундан ташқари, Янукович ўз партияси амалдаги ҳукуматга муҳолифатда бўлишини таъкидлади.

Чора-тадбир ишлаб чиқилмаган

Россия Молия вазирлиги таҳлилларига қараганда, жорий йил давомида миллий валютанинг инфляция даражаси 10 фоизга етади. 2004 йилда бу кўрсаткич 11,7 фоиз бўлган. Молия вазири Алексей Кудриннинг маълум қилишича, вазирлик ҳозирча инфляцияга қарши жиддий чора-тадбирлар режасини ишлаб чиққанича йўқ.

Дил изҳори

Кеча матбуотда эълон қилинган, ҳаво мавжларида янграган Президент табриги онажонларимиз, опа-сингилларимиз томонидан зўр шоду хуррамлик билан кутиб олинди.

«Дилбар қизларим, меҳрибонларим» — Юртбошимизнинг шундай самимий мурожаати байрам сабабчилари қалбидан чуқур жой олди. Бундай қутловга муносиб бўлишнинг ўзи қандай бахт! Бунга ҳамюртларимиз билан суҳбатлашган мухбирларимиз ҳам ишонч ҳосил қилишди.

МУНОСИБЛИК БАХТИ

Наргиза РАЖАБОВА, уй бекаси:

— Президентимизнинг хотин-қизларга йўллаган байрам табригида таъкидланганидек, бугун

мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини кучайтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Биз ҳукуматимиз томонидан аёлларга берилаётган эътиборни доимо ҳис қилиб турамиз. Тилагим гўзал пойтахтимиздек, кундан-кун очилиб юраверайлик.

Фарида АСҚАРОВА, шифокор, Тошкент шаҳри:

— Одам табиатан ҳамиша илиқ гапга ташна бўлиб келган. Кеча Юртбошимизнинг самимий, дил сўзлари битилган табригини эшитганимда бу қутлов айнан, бизнинг оилага — қизларим, келиним, жажжи невараларимга йўллангандай тўлқинланиб кетдим. Бу бизни Аёл, Она деган муқаддас номга муносиб бўлишга, ҳар биримизни фарзандларимиз ва невараларимизни ўз юрти, ўз халқига содиқ ўғлон қилиб тарбиялашга ундайди. Демоқчиманки, биз, аёллар, жисмонан ва маънан соғлом авлодни вояга етказишда жамият юклаётган шу — катта масъулиятли иш ҳамиша, ҳар дақиқа зиммамизда эканлигини унутмайлик.

Фарида МАҲМУДХЎЖАЕВА, уй бекаси, Қибрай тумани:

— Тинч, осойишта юртга байрам ва айёмлар ярашади. Кишига шоду хуррамлик татийди. Осмонимиз мусаффо, ҳаётимиз тотув бир пайтда мамлакат Президенти биз, аёлларнинг қадр-қимматимизни шунчалик улуғлаётган экан, бундан албатта, бошимиз кўкка етади. Оилага, маҳаллага, қолаверса, Ватанга муносиб бўлиб, шу дамларнинг, кунларнинг, шу ҳурмат-эътиборнинг қадрига етсак, ҳеч қачон кам бўлмаймиз.

Дилрабо РАИМОВА, Сирдарё шаҳридаги 5-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси:

— Мактабимизда ишлайдиганларнинг аксарияти аёллар бўлганлиги боис Президентимизнинг табригини ҳаммамиз биргаликда ўқидик. Айниқса, табрикда Аёл ва Баҳор сўзлари бир-бирига уйғун дейилганидан ниҳоятда тўлқинланиб кетдик. Юртбошимизнинг, умуман, халқимизнинг аёлларга бўлган доимий эҳтироми ва меҳри ҳамиша шодлигимиз сабабчисидир.

Ёдгора МЕҲМОНОВА, Юнусобод туманидаги 17-мактаб ўқувчиси:

— Мактабимизда хотин-қизлар байрамини катта тантана билан нишонладик. Меҳрибон устоз опаларимизга яхши тилакларимизни, шеър ва қўшиқларимизни айтдик. Бугун дугоналарим Фотима ва Зуҳра билан шаҳримизни сайр қилишга чиққандик. Фурсатдан фойдаланиб, барча онажонларимиз, опа-сингилларимизни қутлуғ байрамлари билан табриклайман. Баҳорий кайфият уларни ҳеч қачон тарк этмасин.

"Халқ сўзи" мухбирлари З. ЖОНИБЕКОВ, Х. ЭШМАНОВ, Б. ҒОФУРОВ суҳбатлашишди. Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Етказганига шукур!

Ойхон Тўқсонова (суратда) бир юз учинчи бор баҳор байрамини қарши олмоқда. Тошкент вилояти Янгийўл тумани У.Мусаев номли қишлоқ фуқаролар йиғинида маслаҳатгўй, барча ишда бош-қош бўлиб танилган, ўнлаб невараче-вараларнинг бувиси бўлган Ойхон опа ўзини бардам ҳис қилади. Момо бир асрлик умр давомида ўз бошидан кўп воқеаларни ўтказди. Наврўз деган сўзни тилга олиш мумкин бўлмаган кунлар ҳам, бу байрам кўнгилга сиғмаган кунлар ҳам... Шукроналар бўлсинки, бундай оғир дамлар ортда қолди. Бу йил эса халқимизнинг уч минг йиллик тарихга эга бўлган қадрдон байрами гўё ўз ёшлигини бошдан кечираётгандек, тарихий дамлардагидек, халқ сайиллари сифатида ўтади. Яна бир неча кунлардан кейин Ойхон опанинг бутун оиласи жамул-жам бўлиб, дошқозонларда сумалак қайнайди. Наврўзи оламни шундай интиқлик билан кутиш, Ойхон момо ният қилганидек, барчамизга яна кўпкўп йиллар насиб қилсин.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Гўзаллик тимсоли

Олимлар узоқ йиллар олиб борган тадқиқотларга қараганда, гўзаллик соҳибалари бўлмиш аёллар эркакларга қараганда ўзига хос қобилиятларга эга экан. Масалан, аёллар мусиқани нозикроқ ва чуқурроқ ҳис қиладилар, чунки уларга товушни қабул қилишда кўпроқ имкониятлар берилган. Дунёни ҳиссиётлироқ қабул қилишда ҳам худди шундай фарқ — эркакларга олам «оқ-қора» рангда кўринади. Аёл нафақат дунёни ҳис қилади, балки у билан яшайди. Ҳид билиш ҳам уларнинг ҳаётида қарама-қарши жинс вакилларига нисбатан каттароқ ўрин тутади. Аёлларда қўполлик деярли йўқ, улар атроф-муҳит ва инсонларни уйғунликда кўра олади, улар юмшоқроқ, табиат уларга ўта нозик ва аниқ ҳаракатланиш қобилиятини берган.

Олимларнинг таъкидлашича, аёлларнинг кўп қисми эркак кишининг ташқи кўринишига мутлақо эътибор бермайди. Фақат уларга ягона шарт — муносабатларда кучли билим, шинавандалик, қувноқлик талаб этилади.

Оснё аёллари эса ўзаро муносабатларда биринчи ўринга ибо ва ҳаёни, маданият қондаларини қўяди. Бу ҳолат бизнинг дилбар аёлларимизга ҳам хос. Биз доимо уларнинг назокат ва меҳрга тўла қалбини ҳис қилиб турамиз.

Б.ГОФУРОВ тайёрлади.

Товар-хомашё биржаси:

ШАКЛЛАНИШДАН — РИВОЖЛАНИШГА

Ислоҳот одимлари

Бундан икки-уч йил аввал айрим тақчил товар ва материаллар қўлдан-қўлга ўтиб, то харидорга етиб боргунча уларнинг нарх-навоси 3-4 борабар ошиб кетар, бу, ўз навбатида истеъмолчиларда ҳақли норозиликни туғдирарди. Шу билан бирга, мутасадди идоралар томонидан маҳсулотларнинг лимит, квота бўйича, яъни марказлаштирилган ҳолда тақсимланиши ортиқча қоғозбозлик, сарсонгарчиликни келтириб чиқарарди. Бу ҳолатлар ўз фаолиятини эндигина бошлаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари олдидаги энг катта муаммолардан бири бўлиб, пировардида уларнинг ишдан ҳафсаласи пир бўларди.

Ҳукуматимиз томонидан товарларни улгуржи сотишнинг бозор тизимларини кенгайтириш, товар-хом ашё биржалари фаолиятини замонавий талабларга мувофиқ тубдан яхшилаш, мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларига нарх белгилашнинг бозор механизмини шакллантиришга оид бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги "Маҳсулотлар, хомашё материалларининг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида"ги ҳамда 2004 йил 31 майдаги "Товар, хомашё биржалари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари соҳада туб бурилиш ясади, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Агар далилларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2004 йилда республика Товар-хом ашё биржаси томонидан 450,086 млрд. сўмлик маҳсулот сотилди. Унинг 337,683 млрд. сўмлигини юқори ликвидли маҳсулотлар ташкил этади. Бу 2003 йилдагига нисбатан 56,1 фоиз кўп, демакдир.

Шу ўринда савол туғилади: хўш соҳада бундай ўсишнинг асосий омиллари нимада?

Гапнинг индаллосини айтганда, аввалари биржа савдоларига ишчилар коржомаси, пахтали фуфайка, қўлқоп, нари борса карбид ҳамда электрод қўйилган бўлса, ҳукумат қарорлари ижросини амалга ошириш баробарида биржа котировка ва листингларидан мис, кабель маҳсулотларидан тортиб ўсимлик ёғи, ун ҳам жой олди. Шунингдек, айрим маҳсулот турларини сотишнинг қатъий тартиби белгиланди. Электр қуввати, табиий газ, бензин, дизель ёнилғиси, мазут, авиакеросин, кўмир, пахта линти, минерал ўғит, қора металлар шулар жумласидандир. Айтиш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сонли қарори ижроси доирасида 30 дан зиёд турдаги юқори ликвидли маҳсулотларни биржа ва кимошди савдолари орқали сотиш механизми жорий қилинди.

Таҳлиллар мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш корхоналарининг пахта толасига бўлган талаби ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Мисол учун, биргина ўтган йилнинг ўзида Товар-хом ашё биржаси орқали юқори ликвидли маҳсулотлар тоифасига кирувчи 142,741 млрд. сўмлик пахта толаси сотилди.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида барча ҳудуддаги харидор учун нархнавонинг бир хиллиги катта аҳамият касб этади. Айнан "Аукцион савдолар" ягона электрон биржа савдолари орқали бутун республика бўйича аниқ бир вақтда ўтказилаётгани, шунингдек, савдога қўйилаётган ҳар бир маҳсулот нархининг бир хиллиги харидорларга қулайлик туғдирмоқда. Масалан, нукуслик ёки наманганлик харидор металл учун Бекободга бориши шарт эмас. У корхонанинг савдога қўйилган маҳсулотини электрон биржа савдоси орқали истаган миқдорда харид қилиши мумкин.

Шу билан бирга, республика Товар-хомашё биржаси томонидан ишлаб чиқариш субъектларини моддий-техник ресурслар билан янада тўлиқ таъминлаш мақсадида қўшимча 10 та махсус улгуржи савдо майдончаси ташкил этилгани айни муддао бўлди.

Саидолим ҲАЙДАРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Наврўз навоси

Катта боғнинг боғбон назаридан четда қолган бир чеккасида баҳор элчиси Бойчечак бош кўтарди. Қуёш сари интилиб, ҳар қанча бўй чўзгиси келса-да, ер қатқалоғи унинг йўлини тўсарди. Баҳорий чечак яна, яна ҳаракат қилар, одамларга Наврўзи олам яқинлашаётганидан дарак бергиси келар, бироқ уддасидан чиқолмай, қийналарди...

Бу кун ҳеч ким уйида ўтиролмай қолди. Хонанишин кишилар ҳам табиат қўйнига ошиқяпти. Кекса отахонлар, нуроний онахонлар-ку ҳаётларининг яна бир баҳорини қаршилаётганларининг шукронаси ила ташқарига ошиқадилар. Аввало уй, ҳовли-жой саранжом-саришталигини кўздан кечиришади. Остона ҳатлаб кўчага чиқишаркан, теварак-атрофга разм солишади. Ким ҳам эшиколди, йўлак бўйлари орасталигини истамайди бу кунларда. Ахир Наврўз юрт кезяпти.



... БУНДА ҚУШЛАР ТОПАДИ ИҚБОЛ

— Авваллари маҳалла аҳлига "Фалон кун ҳашар, кўпдан қолманг-а, албатта чиқинг", дея огоҳлантириларди, йўқлов қилинарди,— дейди тахририятимизга хат йўллаган саксондан ошган навоийлик Барот бобо Баракаев. — Энди-чи, бундай даъватлар ортиқчадек. Чунки одамлар ўзлари, ўз ҳоҳиш-истаклари билан кўчалар, маҳалла-кўй ободончилиги, покиза, саришталиги учун жонбозлик қилишяпти. Курраи заминнинг Ўзбекистон аталмиш макони том маънода ўзлариники эканини, озод ва обод юртга ўзлари хон, ўзлари бек эканликларини аллақачон англаб етганларининг ифодаси бу. Шу боис ҳам азалий ва абадий Наврўзга пешвоз чиқишяпти.

Баҳор келиши Наврўзи оламни кўнгилга яқинлаштиради. У ҳар бир қалбга, юракка кириб боради. Баҳорий кайфият, наҳорий руҳият ато этади шуурингизга. Ўсимликлар уйғонади, ҳашоратлар инидан чиқади. Қишда узоқларга учиб кетган қушлар қайтиб келади. Ҳаво ҳам мусаффо ва мўътадил бўлиб, ариқларда лимо-лим сув оқади. Тупроқ ҳам қиш карахтлигидан уйғонади. Нимаики экилса, ўз қуввати билан амал олишига кўмак беради. Боғроғлар бағрини очади. Қўйлар қўзилайди. Адирлар майсаларнинг кўм-кўк гилами билан қопланади. Одамларни сайилларга чорлайверади. Тинчлик, осойишталик, хотиржамлик бўлган жойдагина у кенг ва тантанавор нишонланади.

Табиатда бўлаётган ўзгаришлар одамларни бир лаҳза шошириб ҳам қўяди. Чунки Наврўзи олам қатор халқ сайиллари мажмуасидир асли. Бундай сайилларга тайёргарлик анча аввалдан бошланган. Баҳорой бўлишни орзу қилган қизалоқнинг янги либос кийишида, туғилган кунлари — Наврўз кунларида тўй-тўйлашаётган Лолахон билан Наврўзбекларнинг эзгу ниятларида, яна янги ҳосилнинг ширин ташвишлари ила даласи томон ошиқаётган миришкор деҳқонларнинг ўй-хаёлида ҳам Наврўз.

Маҳаллаларда, гузарларда сумалак тайёрлаш учун дошқозонлар аллақачон тайёрлаб қўйилди. Хонадонларда ундирилаётган тансиқ таом масаллиғи — буғдой ниш уриб қолди. Болакайлар "Қачон сумалак кавлаймиз?" дея шоширади. Сумалакка кўнгли суст кетаётган келинчаклар унинг номини эшитибоқ бир тамшаниб қўяди. Дастурхонга тортиладиган кўк сомса, кўк чучвара ва яна аллақанча тансиқ таомлар, пишириқлар ҳам тайёр бўлиб қолди. Сайилнинг яхши томони биров меҳмон, биров мезбон бўлмайди унда. Ҳамма баробар тайёргарлик кўради, ўйнаб-кулади. Дорбозлик, қўғирчоқбозлик, аскиябозлик, қизиқчиликлар авжига чиқади. Сумалак тортилади, ҳалим, гўжага ҳам навбат келади. Муҳими, ҳар ким эмин-эркин, кўнгли буюргани томон ошиқади.

Наврўзи олам юрт кезаркан, шу кундан эътиборан одамлар барча хафагарчиликларни унутишга, гинахонликка барҳам беришга интиладилар. Шу улуғ айёмда асли қон-қонимизга сингиб кетган меҳмоннавозлик, одамшавандалик янада яққол намоён бўлади. Қариндош-уруғлар, дўст-улфатлар бир-бирларининкига ташриф буюришади. Айниқса беморлар, кексаларни зиёрат қилиш, уларнинг кўнглини кўтариш шу кунларнинг алоҳида фазилатидир.

Қуёшнинг ҳамал буржига кириши, кеча билан кундузнинг баробар келиши ва йил боши — бу Наврўз. Ҳазрат Алишер Навоий таърифини хўп келтирганларидек,

"Васли аро кўрдим, тенг эмиш бўйию сочи,
Тун-кун тенг экан, зоҳир ўлур бўлди чу Наврўз".

...Ҳар қандай янгилик ўзига қийинчилик билан йўл очади. Ажаб, ўхшашликни қарангки, ҳатто табиат ҳам аввалига баҳор элчисини қабул қилишга қаршилик қилди. Бойчечак каби Наврўзимиз ҳам яқин-яқингача тазйиқлар, қаршиликлар исканжасида бўғилиб ётган эди. Аммо вақт ўз ҳукмини эълон қилди. Мустақиллик билан бир қаторда Наврўзимиз ҳам юз очди, бўй чўзди. Бойчечакка эрк, бизга эса Наврўз муборак бўлсин.

Умида ФАЙЗИЕВА, "Халқ сўзи" мухбири.

Деновдаги Собир Раҳимов номли ширкат хўжалигининг экинзорларини олтин замин, миллионер тупроқ дейдилар. Боиси...

Миллионер замин

Хўжалик 1110 гектар ерга деҳқончилик қилади. Шундан 609 гектарида пахта, қолганида ғалла етиштирилади. Ва ҳар гектар ер Раҳимовликларга бир миллион сўмдан даромад беради.

Хўжаликнинг иқтисодий кўрсаткичлари бултур ҳам аввалгиларидан кам бўлмади. Деҳқончиликдан 242 миллион сўм соф фойда олдилар. Самарадорлик — 30 фоиз!

Хўжаликнинг раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Файзуллаевнинг гурунглари ҳам мароқли:

— Ўзимиз қурган қишлоқ болалар спорт мажмуида ўндан зиёд спорт тўгараклари, жумладан футбол, теннис, жамоалари ишлаб турибди, — дейди раис. — Спортчиларимиз энди ўзларини республика миқёсида ўтказиладиган беллашувларга чоғламоқдалар.

О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Халқ сайлининг нафаси

Наврўз бободеҳқоннинг оқ фотиҳа билан даласига чиқиб ниҳол қадашидан, сулув келинчакларнинг назокат билан салом беришларидан, момоларнинг дошқозонларда сумалак қайнатиб, лапару ўлан айтишларидан бошланади. Зеро, ерга экилган чигит эртанги насибамиздан, момоларнинг сумалаги Наврўз келганидан, келинчакнинг саломи оқибатдан, меҳрдан дарақдир. Юртимизнинг ҳар бир гўшасида нишонланадиган Наврўз байрамининг умрбоқийлик сири ҳам аслида, унинг шу эзгуликларида. Миллатимизнинг кимлигини, урф-одатларимизнинг бетакрорлигини жаҳон узра кўз-кўз қилувчи байрамдир Наврўз.

Мамлакатимизнинг бошқа жойларида бўлганидек, Ургутда ҳам бу айёмни алоҳида интиқлик билан кутишади. Эрта тонгда жарчилар барча-барчани сайилга чорлайди. Туман аҳли сайил ўтказиладиган жой — тоғ бағрида жойлашган Тўпхонага ошиқишади. Чунки бу ерда кўпкари, кураш, югуриш, тош кўтариш, лапар айтиш сингари халқимизнинг азалий ва миллий урф-одатларига ҳамоҳанг маросимлар ўзига хос тарзда ўтказилади. Айниқса, ургутликлар томонидан ўйлаб топилиб, анъанага айланган яна бир тоша борки, уни кузатиш ҳар қандай киши учун алоҳида завқ бағишлайди. У ҳам бўлса, ирода ва матонат ўйинидир. Бунга кўра, текисликда узунлиги 10-12 метр бўлган ёғоч ўрнатилади ва унинг учидаги михга бирор совринга тегишли жиҳоз илинади. Масалан, совға магнитофон бўлса, михга унинг шнури илиб қўйилади. Шартга кўра, совринни олмоқчи бўлганлар ҳеч нарсага таянмай ёғочни қучоқлаб учига чиқишлари ва керакли анжомни олиб тушишлари керак. Агар ўша асбоб муваффақиятли олиб тушилса, соврин қўлга киритилади. Қизиғи шундаки, майдон атрофида совринни қўлга киритганлардан кўра киритмоқчи бўлганлар кўп бўлади. Нега дейсизми, ахир, билинар-билинмас ёғ суртилган ёғочга тирмашиб чиқишнинг ўзи бўлмайдида! Совринни жисмонан бакувват, бутун иродасини мақсадга эришишга қарата оладиган, эпчил йигитларгина қўлга киритадилар. Бу томоша ана шундай антиқа томони билан ҳаммани ўзига жалб этади.

Тўпхонада нишонланадиган Наврўз тантанасида дошқозонларда сумалак қайнаб, баҳорий тансиқ таомлар меҳмонларга мунтазир туради. Бунда ҳар ким ўзи истаган таомни тановвул қилади. Тушлик чоғида эса ёппасига ош тортилади.

Чор-атрофда мусиқий оҳангларга ҳамоҳанг тарзда қалбларни яйратиб қушлар чуғури, сув шилдираши, булбуллар хониши эшитилади. Бахшилар айтишуви, лапарлар, ҳазил-мутойиба қўшиқлар, полвонлар санъати уйғунлашган томошаларда миллий қадриятларимиз Наврўз билан чамбарчас эканлиги тараннум этилади.

Қувноқ қўшиқлар оҳанги боис дилларда жўшқинлик, кўтаринкилик акс этади. Бу завқ-шавқ эса дилдаги энг азиз туйғу — Ватанга муҳаббатни уйғотади, унга қанот бағишлайди.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

ОГОҲЛИК — ОСОЙИШТАЛИК КАФОЛАТИ

Республикамиз Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузасида дунё халқлари учун хавф солаётган таҳдидлар қаторида диний экстремизм, халқаро терроризм ва радикализмнинг олдини олиш, уларга қарши кураш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб: ***«...биз халқаро терроризмни ота-боболаримиздан қолган муқаддас динимиз — ислом дини билан боғлащдек хавфли ният ва уринишларни кескин қоралаймиз. Бундай оқибати ўйланмаган ва игвогарона хатти-ҳаракатлар биринчи галда «ал-Қоида» ёки «Ҳизбут-таҳрир» каби энг ашаддий экстремистик ҳаракат ва ташкилотларга қўл келади»,*** *— деб таъкидлаган эдилар.*

Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасида бўлиб ўтган Самарқанд вилояти имом-хатиблари иштирокидаги йиғилишда ҳам айнан шу мавзуда гап юритилди. Унда сўзга чиққан Президентнинг Давлат маслаҳатчиси З. Ҳуснидинов жамият барқарорлиги ва хавфсизлигига мафкуравий таҳдидларнинг диний экстремизм билан узвий боғлиқлиги, қабиҳ ниятли ҳаракатларнинг олдини олиш, бу борада жойларда олиб борилаётган ишлар, мавжуд муаммолар, уламолар олдида турган долзарб вазифалар ҳақида гапирди.

Мутахассисларнинг фикрича, диний қадриятларни асраш, ҳимоя қилиш ниқоб вазифасини ўтаган ҳолда ғаразли сиёсий мақсадларда дунё бўйлаб амалга оширилаётган террорчилик ҳодисаларининг 80 фоизи муқаддас Ислом дини номи билан содир этилмоқда. Энг ачинарлиси, диний экстремистик гуруҳларнинг ўз сафларига ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ёшларни тобора кўпроқ жалб этаётганидир. Республикамиздаги Жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган диний экстремистик оқимлар таркибида жиноят содир этган маҳкумларнинг ёш бўйича таҳлили ҳам бу фикрни исботлайди.

Йиғилишда ақидапарастларнинг фаолияти борган сари кенгроқ жуғрофий ҳудудни қамраб олаётгани, кўпорувчилик ҳаракатларини амалга оширишда ёшлар ва аёллар иштирокида ўз-ўзини портлатиш усулларининг қўлланаётгани, мутаассиб гуруҳлар фаолияти расмий ҳаракат юритувчи сиёсий қанотни шакллантириш ва аҳоли ичида ўз тарафдорларини кўпайтириш мақсадида хайрия ишларига эътибор берилаётгани аниқ мисоллар асосида кўрсатиб берилди.

Мамлакатимизда фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш билан бирга, уни алдамчи усуллар билан поймол қилишга қаратилган уринишлар, хусусан, ақидапарастлик ғояларининг илдиз отиши ва «диний экспансия»нинг олдини олиш юзасидан қонуний тўсиқлар яратилган. Шу билан биргаликда, аҳолига диний-маърифий ғояларни етказиш тизими мунтазам такомиллаштириб борилмоқда. Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш мақсадида узлуксиз таълим тизимида динлар ҳақида холис маълумот берувчи фанларни киритиш бўйича босқичма-босқич тажриба-синов ишлари амалга оширилмоқда.

Афсуски, минтақа давлатларида диний экстремистик ташкилотларга қарши кураш бугунги кун талабларига жавоб бера олади деб бўлмайди. Жумладан, диний маълумотга эга имомлар етишмай турган вақтда масжидлар сонининг асоссиз ўсиб бориши, миссионерлар келишига йўл очиб берилиши ва диний фаолиятни тартибга солувчи қонунларнинг талаб даражасида эмаслиги оқибатида мутаассиб гуруҳларнинг фаоллашувига замин яратилмоқда.

Танқидий фикр-мулоҳазалар ҳамда қизғин савол-жавоблар асосида ўтган йиғилиш якунида юртимизни диний шиорларни ниқоб қилиб олган кимсалардан ҳимоя қилиш, ҳақиқий диний қадриятларни асраб-авайлаш, фуқароларга ўз эътиқодини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, жамиятимизнинг барча аъзолари, жумладан, имом-хатибларимиз олдида турган энг долзарб вазифалардан бири эканини иштирокчилар яна бир бор ҳис этдилар. Аслида барқарорлик кафолати ҳам шунда.

Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Пахта Банк»:

АГРАР СОҲА МАДАДКОРИ

Бундан уч йил аввал Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинган эди. Бу ҳужжатга кўра, республикамизнинг тўрт вилоятида, жумладан, Наманганда ҳам фермер хўжаликлари тажриба тариқасида давлат эҳтиёжлари учун сотиладиган пахта хомашёси ва ғалла етиштириш харажатларини қоплаш учун ўзларига хизмат кўрсатувчи тижорат банкларининг тўғридан-тўғри кредитлаш механизмидан фойдаланишлари йўлга қўйилди. Илгари бундай харажатларни қоплаш банкка келиб тушадиган транш маблағларига боғлиқ бўлиб, улар қатъий тартиб асосида фақат белгиланган ҳисоб рақамларига мажбурий ўтказиб бериларди. Аслида бу тартиб мулк эгаси иқтисодий эркинлигини чеклаб қўяр, фермерларнинг кўп миқдордаги маблағи қайсидир таъминотчи идорада ойлаб туриб қолар, айни пайтда уларнинг бошқа зарур хомашёни сотиб олиш ёки хизмат учун ҳақ тўлаш имконияти йўқолар, лўнда қилиб айтганда, молиявий танқислик билан боғлиқ ҳолатлар юзага келарди.

— Масалан, ўша пайтда минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари, ҳатто далада ишловчиларга иш ҳақи тўлаш учун транш маблағини кутавериб хуноб бўлардик, — дейди «Пахта Банк»нинг Тошбулоқ филиали мижози, Наманган туманидаги «Раҳмон Қилич» фермер хўжалиги раҳбари Худойберди Раҳмонов. — Хайрият, ер эгаларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг янги усули қўлимизни ечиб юборди.

Фермернинг хурсанд бўлганича бор. Чунки ўтган йили у тайёрлов корхоналари билан 90,3 тонна пахта ва 37,6 тонна ғалла етказиб бериш юзасидан шартнома тузганди. Шунга кўра, банк унга 7 миллион 617 минг сўм имтиёзли кредит ажратди. Ҳисоб рақамидаги маблағ етарли бўлгани боис экин парвариши билан боғлиқ агротехника тадбирларини ўз вақтида, тўла-тўкис амалга оширди. Натижада 2002 йили гектар ҳосилига атиги 15,6 центнердан ҳосил етиштирилган бўлса, бу йил бу кўрсаткич деярли икки баравар ортди. Қўлга киритилган соф фойда эса салкам 8 миллион сўмни ташкил этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «Пахта Банк»нинг Наманган вилояти бошқармаси бугунги кунда 8115 мижозга хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг 105 таси ширкат, 2057 таси фермер хўжалигидир. Айниқса, фермер хўжаликлари ана шу молиявий муассаса мададига таяниб, юқори натижага эришмоқдалар. Сабаби — ҳосил пишгунга қадар йиллик даромаднинг 50 фоизигача бўлган қисмини бемалол харажат қилиш уларга кенг имкониятлар эшигини очиб бермоқда.

— Қишлоқ хўжалиги соҳасини кредитлаш борасидаги бу тажриба қисқа фурсатда ўзини оқлади, — дейди «Пахта Банк»нинг вилоят бошқармаси бошлиғи Акрамжон Абдуҳамидов. — У, энг аввало, қишлоқ мулкдорлари бўлмиш фермерларда ерга эгалик ҳиссини, хусусан, мавжуд ресурслардан мақсадли фойдаланиш юзасидан масъулият туйғусини шакллантирди. Буни вилоятимиз бўйича ўтган йили аввалги йилдагига нисбатан салкам ўттиз фоиз кўп пахта тайёрлангани ҳам исботлаб турибди.

Қарор ва ижро

Бевосита имтиёзли кредитлаш масаласига тўхталадиган бўлсак, бултур пахта етиштириш билан шуғулланадиган 964 та фермер хўжалиги ҳисоб рақамига 2 миллиард 425 миллион 731 минг сўм тушириб бердик. Бу маблағнинг 536 миллион 251 минг сўми иш ҳақи, 933 миллион 681 минг сўми минерал ўғитлар сотиб олиш учун, 398 миллион 568 минг сўми ёнилғи-мойлаш материалларига, салкам 15 миллион сўми қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш, қолган қисми эса экин парвариши билан боғлиқ бошқа тадбирлар харажатларига сарфланди. Қувончлиси, фермерларнинг аксарияти тайёрлов корхоналари билан тузилган шартнома шартларини тўла уддалаб, банк кредитини ҳам ўз вақтида қайтаришга муваффақ бўлди.

Ҳосил йиғиштириб олингунча бўлган муддатга кўпи билан йиллик 5 фоиз ставкада мақсадли кредитлар беришда қарз олаётган ер эгасининг мулки эмас, балки унинг тайёрловчилар билан тузган контрактация шартномаси кафолат вазифасини ўтайди. Бундан ташқари, имтиёзли кредитлар қайтарилишини суғурталашнинг махсус тартиби ҳам жорий қилинган. Айтайлик, «Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик компанияси жойлардаги бўлимларининг экинлар аҳволи ва кутилаётган ҳосилдорлик хусусидаги хулосалари банк ва мижоз ўртасида кредит муносабатлари изчиллигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Пахта Банк» фермер хўжаликларини ривожлантириш мақсадида фақат давлат ресурсларига суяниб қолмасдан, ўз имкониятларидан фойдаланишга ҳам алоҳида эътибор қаратаётир. Бу ҳол ўз навбатида фермерларга техника воситалари сотиб олиш, кўзда тутилмаган харажатларни қоплаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда қўл келяпти.

Маълумки, ерга ишлов бериш учун фермернинг ўз техникаси бўлганига нима етсин! Гапнинг очиғи, ҳозир кўпгина фермер хўжаликларида трактор ва тиркама мосламалар йўқ ҳисоби. Молиявий муассаса айни шу масалада қийналаётган мижозларига ёрдам қўлини чўзиб, яна бир хайрли ишни бошлади: ўз фойдаси ҳисобидан еттита фермер хўжалигига ҳайдов тракторлари ва плуглар сотиб олиш учун уч йиллик муддатга 190 миллион 600 минг сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратди. Пировардида Мингбулоқ туманидаги «Нодира» ва «Тошкентбой», Норин туманидаги «Обиджон», Поп туманидаги «Жаҳонгир», Уйчи туманидаги «Соҳибжон» фермер хўжаликлари бу маблағга «Т-4 А», «ВТ-150» сингари ҳайдов тракторлари харид қилдилар.

Бошқарма ва унинг туман филиаллари 2005 йил ҳосили учун ўз мижозларидан тушган буюртмаларни бажаришда ҳам белгиланган тартиб асосида, яъни, ҳисоб-китобни беш иш кунида якунига етказиш тамойилига амал қилиб иш юритмоқдалар. Ҳозиргача ғалла етиштириш учун 344 миллион 158 минг сўм, пахтакор хўжаликларга 413 миллион 275 минг сўм миқдорида кредит ажратилгани шундан далолат беради. Натижада бугунги кунда фермер хўжаликлари баҳорги дала ишларини маромида олиб бормоқдалар.

Яқинда Адлия вазирлиги Молия вазирлиги ҳамда Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган «Қишлоқ хўжалик корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низом»ни тасдиқлаганидан хабарингиз бор, албатта. Унга кўра, 2006 йилдан бошлаб фермерлар қаторида ширкат хўжаликлари ҳам мақсадли кредитдан фойдаланадилар. Бу мамлакатимиз аграр соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, тармоқни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида қўйилган яна бир муҳим қадамдир.

Қ. НАЖМИДДИНОВ,
И. ЎТБОСАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

МОЛДАВИЯда кеча парламент сайловлари бўлиб ўтди. Республика бўйича 1938 сайлов участкаси ташкил қилиниб, унда қатнашиш учун 2 миллион 346 минг сайловчи рўйхатга олинган. Яна 23 сайлов участкаси хорижий мамлакатларда ташкил этилган. ***//ИТАР-ТАСС.***

ИТАЛИЯлик журналист Жулиана Сгренани гаровдан озод қилиш пайтидаги отишмаларда Италия армияси махсус хизмати ходими Никола Калипари ҳалок бўлган эди. Унинг жасади барча қуролли кучлар вакилларидан иборат фахрий қоровул иштирокида Рим аэропортига олиб келинди. ***//Reuters.***

ЧЕХИЯнинг собиқ бош вазири, Социал-демократлар партиясининг олдинги етакчиси Милош Земан "Менинг сиёсатдаги хатоларим" деб номланган хотираларини эълон қилди. Бу асар мамлакат тарихидаги энг кўп сотилган битиклар қаторига кирмоқда. Асарда давлат арбоби ўзининг мамлакатни бошқарган пайтлардаги жуда кўплаб воқеаларни, улардаги айрим номаълум саҳифаларни очиб берган. ***//Reuters.***

ТАЙВАНда юз берган зилзила оқибатида бир неча киши шикастланган. Жиддий жароҳат олганлар тўғрисида маълумот йўқ. Мамлакат шимолида содир бўлган силкинишларнинг кучи Рихтер шкаласи бўйича 5,9 балл деб баҳоланмоқда. ***//Associated Press.***

ЧЕЧЕНИСТОНда қурол-яроғлар яширилган омбор топилди. Шунингдек, яна тўрт нафар жангари қўлга олинган. ***//РИА Новости.***

СУРИЯ Президенти Башар Асад Ливандан қўшинларнинг олиб чиқиб кетилиши Ливан ҳукуматининг қарорига боғлиқ, деб баёнот берди. "Агар Ливан Сурия қўшинларини чиқиб кетиш керак деган қарорни бир овоздан маъқулласа, биз бир кун ҳам бу ерда қолмаймиз", деди Асад мамлакат парламенти олдидаги чиқишида. ***//CNN.***

ФАЛАСТИН маъмурияти вакилларининг маълум қилишича, мухторият етакчиси Маҳмуд Аббос шу ойнинг охирида АҚШ Президенти Жорж Буш билан учрашиш учун Вашингтонга сафар қилади. Ташрифнинг аниқ пайти айтилмаган. Бу Аббоснинг 2000 йилдан буён ўтган пайт ичидаги илк ташрифи бўлади. Мазкур таклиф АҚШ давлат котиби Кондолиза Райс томонидан билдирилганди. Вашингтонга Исроил бош вазири Ариэль Шарон ҳам таклиф қилинган. ***//Haaretz.***

«ОҚТОШДОН» АЖ

2005 йил 28 март куни соат 10.00да жамиятнинг мажлислар залида акциядорларнинг умумий йиғилиши бўлиб ўтади.

Манзил: Самарқанд вилояти, Нарпай тумани, Оқтош шаҳри, Ж.Мирзаев кўчаси, 2-уй.

Кун тартиби:

1. *«Оқтошдон» акционерлик жамияти бошқарувининг 2004 йил якунлари бўйича ҳисоботи тўғрисида.*
2. *«Оқтошдон» акционерлик жамиятининг 2004 йил бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботи тўғрисида.*
3. *«Оқтошдон» акционерлик жамиятининг 2004 йил якунлари бўйича дивидендларни тақсимлаш тўғрисида.*
4. *«Оқтошдон» акционерлик жамиятининг 2005 йилга мўлжалланган бизнес режаси ва сарф харажатлари сметаси тўғрисида.*
5. *«Оқтошдон» тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.*
6. *«Оқтошдон» кузатув кенгаши раисининг ҳисоботи.*
7. *Жамият аудиторларини белгилаш ва шартнома қилишга рухсат бериш.*
8. *Жамият тафтиш комиссиясини ва саноқ комиссиясини қайта сайлаш тўғрисида.*
9. *Бошқарув органи билан шартномани тасдиқлаш.*
10. *Кузатув кенгаши аъзоларини рағбатлантириш тўғрисида.*
11. *Бошқа масалалар.*

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

ЯШИЛ ХАЗИНА

Юртимизда ҳаво илиб, баҳор кун сайин ўз сепини атрофга ёймоқда. Ердан буғ кўтарилиб, тупроқ кўпчий бошлади. Энди кўчат экиб, боғ яратишга киришса бўлади. Иҳота дарахтларининг кўчатларини барпо этишнинг вақти келди. Дарахтларга шакл бериш юмушларини ҳам кечиктирмаслик зарур. Серқуёш юртимизга боғ ва ўрмонзорлар ярашади.

Кўчат экиб, боғ яратинг

Яқинда Сирдарё вилоятида бўлдик. Қиш уйқусидан уйғонган далалар ва боғларни айланиб, баҳор нафасидан ҳузур қилдик. Маълумки, вилоятда қишлоқ хўжалиги соҳасида муаммолар тўпланиб қолган.Улар фақат мелиорация ва ирригация тизимида эмас, балки боғ ва ўрмонзорлар ташкил этишда ҳам мавжуд. Биз шу масала билан қизиқдик.

Вилоят ўрмонлар ҳажми бўйича мамлакатимизда охирги ўринлардан бирини эгаллайди. Агар ўрмонлар мамлакатимиз ҳудудининг 5,4 фоизини ташкил этса, Сирдарё вилоятида бу кўрсаткич атиги 0,1 фоиздан иборат. Айниқса, 2001 йилгача аҳвол жуда ташвишли эди. Кейинги йилларда бу борадаги ишни яхшилаш учун бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Аслида дастлабки ўзгаришлар 1997 йилдан бошланган. «Хўжамушкент» ўрмон хўжалиги Жиззах вилояти ҳудудига ўтгандан кейин Сирдарё вилоятидаги ўрмон фонди 700 гектарга тушиб қолган эди. Шунинг учун ўша йили ўрмон фонди майдони 6880 гектарга етказилди. Кейинчалик ирригация тизимидаги ўрмонлар ҳам вилоят ўрмон хўжалиги тасарруфига ўтказилди. 2001 йилда эса Гулистон, Сирдарё ва Сайхунобод туманларида ўрмон хўжалиги участкалари ташкил этилди. Шундан бери ҳар йили ўртача 70-80 гектар майдонда ўрмонзорлар, саноатбоп теракзорлар, боғлар ва токзорлар барпо этилмоқда.

Кейинги йилларда ўрмон хўжаликларида кўчат етиштиришни ривожлантиришга кўпроқ эътибор берилмоқда. Айниқса, ўтган йили бу борада бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, Боёвут, Сардоба ва Сирдарё туманларида янги кўчатчилик участкалари ташкил этилди. Уларда маҳаллий шароитга мос мевали ҳамда манзарали дарахт кўчатлари етиштириш йўлга қўйилди. Шунингдек, бултур Сардоба туманида 365 гектар майдонга эга Бобур номли давлат ўрмон хўжалиги участкаси ишлай бошлади. Бу йил участка ҳудудини камида минг гектарга етказиш мўлжалланмоқда. Бундан мақсад туман ҳудудида иҳота дарахтзорлари, ўрмонзорлар барпо этиш, хўжаликлар ва ташкилотлар учун зарур миқдорда мевали, манзарали дарахт кўчатлари етиштириб беришдан иборат.

Яна бир эътиборли жиҳати шу бўлдики, Ўзбекистон ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг Боёвут тажриба участкаси кўчатчиликка ихтисослаштирилган хўжаликка айлантирилди ва вилоят ўрмон хўжалиги бошқармаси ихтиёрига берилди.

Вилоят ўрмон хўжалигининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, кўчатчиликнинг ривожланиб бораётганлиги боғлар, ўрмон ва иҳота дарахтзорларини кўпайтириш учун қулай имкониятлар яратяпти. Шуни эътиборга олиб, вилоят ҳокимлиги 2004 йилнинг кузи ва 2005 йилнинг баҳорида кўчат экиш ва кўкламзорлаштириш мавсумини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Унда туман ва шаҳар ҳокимликлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар зиммасига, мулкчилик шаклидан қатъи назар, баҳорги кўчат экиш мавсумини юксак агротехника қоидалари асосида ўтказиш, шунингдек, бу ишга ширкат ва фермер хўжаликлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари ҳамда аҳолининг тўлиқ иштирок этишини таъминлаш вазифаси юклатилган.

Баҳор нафаси сезилиши билан вилоятда кўчат экиш ишларига астойдил киришилди. Белгиланган юмушлар кўлами катта. Биз уларнинг айримларини айтиб ўтмоқчимиз. Жумладан, 70 гектар янги ўрмонзорлар, Янгиер шаҳри, Мирзаобод, Сардоба туманларида эрозиянинг олдини олиш мақсадида 30 гектар иҳота дарахтзорлари бунёд этиш, 575 минг туп манзарали ва 25 минг туп мевали дарахт кўчатлари ўтказиш, 60 гектар майдондаги ўрмонларни тўлдириш шулар жумласига киради. Шунингдек, 1300 килограмм дарахт ва буталар уруғи тайёрланади, дарё бўйи, йўллар ёқасида, турар жойлар ҳамда дам олиш ҳудудларида катта ҳажмда ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишлари бажарилади. Барча ишларда вилоят ўрмон хўжалиги бошқош бўлади ва зарур миқдорда мевали, манзарали дарахт ҳамда гул кўчатлари етказиб беришни таъминлайди.

Сирдарё дарёси бўйидаги «Қолгансир» ўрмон хўжалиги мустақиллик йилларида ташкил этилган. Жамоа дарё бўйида қулай экологик муҳит яратиш борасида диққатга сазовор ишларни амалга оширмоқда. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза этиш, экологик муҳитни мўътадиллаштириш, табиий ҳамда суғориладиган ўрмонзорлардан фойдаланиш, хусусан, асаларичилик, боғдорчилик ва чорвачиликни ривожлантириш, соғломлаштириш ҳамда дам олишни ташкил этиш учун қулай имкониятлар яратиляпти. Бу ўз навбатида сирдарёликларни катта бунёдкорлик ишларига ундамоқда. Шаҳар ва қишлоқлар эса боғларга бурканиб, обод ва кўркам бўлиб бораётир.

Иброҳим НОРМАТОВ.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар барча қурилиш корхоналари ва пудратчи ташкилотлар диққатига !

«Даварҳитектқурилиш» қўмитасига қарашли Қашқадарё вилояти капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази

танлов савдосини эълон қилади.

«Ўзавтойўл» давлат акционерлик компанияси автомобиль йўллар бирлашган дирекцияси буюртмачилигида:

Иншоотнинг номи —

1. Қашқадарё вилояти, «Нукус-Бухоро-Қарши-Ғузор» автомобиль йўлининг 711-714 км. қисмини реконструкция қилиш.

Қурилишни тугаллаш муддати — 2005 йил сентябрь ойи.

Буюртмачи манзили — Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 68 А-уй.

Тел/факс —(+99871)136-06-53.

Қурилиш ишларини молиялаштириш — Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси буюртмачилигида :

Иншоотнинг номи —

1. Қарши-Бешкент автомобиль йўлида жойлашган эски «Ирмонтаж» трести биносини республика ИИБга бўйсинувчи вилоятлараро шифохонага мослаштириб, қайта ва капитал таъмирлаш

Қурилишни тугаллаш муддати — 2007 йил март ойи.

Буюртмачи манзили — Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 47-уй.

Тел/факс — 221-06-70.

Қурилиш ишларини молиялаштириш марказлаштирилган бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Қурилиш ташкилотлари қуйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малакага, иншоот қийматининг камида 20 фоизи миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига, шартнома (контракт) тузишга лаёқатли, юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши талаб этилади.

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 52-уйда жойлашган Капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин. **Тел./факс: 221-07-79, 221-16-01.**

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 60000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан сўнг 30 кундан кейин вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси биносида ўтказилади. Манзил: Қарши ш., «Ўзбекистон» к., 52-уй.

2918/4066

Ташкилот ва корхоналар диққатига !

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси

АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИНГ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ

қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Андижон шаҳри, Буюк Турон кўчасидаги «Деҳқон бозори» қурилиши.

Буюртмачи — Андижон шаҳар ҳокимлиги қошидаги «Деҳқон бозори қурилиши» дирекцияси.

Қурилиш ишларини молиялаштириш Банк кредити ва аукцион савдолари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассислар мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Андижон шаҳри, Б.Ҳакимов кўчаси, 14-а уй. Тел./факс: 24-72-79.**

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан 30 кун ўтганидан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

2907/4060

АТ «ПАХТА БАНК»

сизларга қуйидаги омонат турларини таклиф қилади:

3 ОЙ ВА 6 ОЙ МУДДАТГА ОЧИЛАДИГАН «ФАРОВОНЛИК» ОМОНАТ ТУРИ.

Ушбу омонат тури бўйича 3 ой муддатга йиллик 24 фоиз ва 6 ой муддатга йиллик 25 фоиз даромад тўланади ҳамда ҳар ой капитализациялаштириб борилади. Маблағлар фақат нақд пулда қабул қилинади, бошланғич бадалнинг минимал миқдори 5000 сўм. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.

6 ОЙ МУДДАТГА ОЧИЛАДИГАН «ОҚ ОЛТИН» ОМОНАТ ТУРИ.

Ушбу омонат тури бўйича йиллик 24 фоиз миқдорида даромад тўланади. Маблағлар фақат нақд пулда қабул қилинади, бошланғич бадалнинг минимал миқдори 2000 сўм. Биринчи ой учун фоизлар олдиндан омонат қўйилган куни тўлаб берилади, қолган фоизлар ҳам ойма-ой олдиндан тўлаб борилади.

9 ОЙ МУДДАТГА ОЧИЛАДИГАН "БАҲОР" ОМОНАТ ТУРИ.

Ушбу омонат тури бўйича йиллик 25 фоиз миқдорида даромад тўланади. Маблағлар фақат нақд пулда қабул қилинади, бошланғич бадалнинг минимал миқдори 2000 сўм. Ҳисобланган фоизлар ҳар уч ойда тўлаб борилади.

1 ЙИЛ МУДДАТГА ОЧИЛАДИГАН "САҲОВАТ" ОМОНАТ ТУРИ.

Ушбу омонат тури бўйича йиллик 26 фоиз миқдорида даромад тўланади. Маблағлар фақат нақд пулда қабул қилинади, бошланғич бадалнинг минимал миқдори 20000 сўм. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.

14 ЁШГАЧА БЎЛГАН БОЛАЛАР НОМИГА ОЧИЛАДИГАН "БОЛАЛАР КЕЛАЖАГИМИЗ" ОМОНАТ ТУРИ.

Мазкур омонат турига маблағлар нақд пулда ва нақд пулсиз 1 йилдан 5 йилгача бўлган муддатга қабул қилинади. Омонатнинг сақлаш муддати ва маблағларнинг миқдорига қараб йиллик 22 фоиздан 28 фоизгача даромад тўланади. Бошланғич бадалнинг минимал миқдори 10000 сўм. Ҳисобланган фоизлар ҳар уч ойда тўлаб борилади.

"ПЛАСТИК КАРТОЧКА" ОМОНАТ ТУРИ.

Пластик карточка эгалари республикамизда жойлашган савдо ва хизмат кўрсатиш пунктларига ўрнатилган терминаллар орқали нақд пулсиз тўлов операцияларини амалга ошириш, коммунал ва бошқа тўловларни пластик карточка ҳисоб рақамидан фойдаланилган ҳолда тўлаш имкониятига эга. Маблағлар қолдиғи бўйича ҳар ой якунида йиллик 16 % миқдорида фоиз ҳисобланади.

Шунингдек, «Пахта банк» талаб қилиб олингунча, сақлаш муддати 6 ой, 1 йил, 3 йил ва 5 йил бўлган «Муддатли» ва бир қатор сиз учун манфаатли бўлган омонат турларини таклиф этади.

«ПАХТА БАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР !

Уруш бўлмасин дея...

Яқинда, Фарғона солиқ коллежида иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари билан учрашув бўлиб ўтди. Олис уруш садоларини кино лавҳаларидан кўрган, китоблардан ўқиган ёшлар уруш қатнашчилари Э. Ҳошимов, Ф. Ғофуров, М. Исақов, П. Йўлдошев, М. Рогожинларнинг хотираларини тингладилар. Уруш фахрийлари тинчлик, мустақилликнинг қадри нақадар улуғлигини, муқаддаслигини таъкидлаш билан бирга, ёшларни бу улуғ неъматларни кўз қорачиғидай асрашга, авайлашга чақирдилар.

***

Фарғона шаҳридаги Шарқий ҳарбий округ зобитлар уйида эса афғон урушида ҳалок бўлган юртдошларни хотирлаш кечаси ўтказилди. Кечада бевақт умри хазон бўлган, бедарак йўқолган 50 нафарга яқин фарғоналик байналмилал жангчиларнинг порлоқ хотираси ёдга олинди.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ

қурилишни тўлалигича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

1. Каттақўрғон шаҳри, А.Темур кўчасидаги спорт мажмуасини қайта таъмирлаш.

Қурилиш ишларини бажариш муддати — 4 ой.

Буюртмачи — Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй. Телефон: 35-82-86.

Қурилиш ишлари Халқ таълими вазирлиги қошидаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

2. Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳрида жойлашган УЯ 64-ТХ/7 муассасасининг асосий деворини қайта таъмирлаш.

Қурилиш ишларини бажариш муддати — 3 ой.

Буюртмачи: Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳрида жойлашган УЯ 64-ТХ/7.

Манзили: Каттақўрғон шаҳри, Д.Ишбеков кўчаси, 122-уй. Телефон 33-28-36, (36645) 5-22-18.

Қурилиш ишлари УЯ 64-ТХ/7 маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: *танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.*

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус 2-«Г», 208-хона.

Телефонлар: 31-13-51, 33-32-00.

Ҳужжатлар бир тўпламининг (комплект) қиймати — 40000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 18.00 да ўтказилади.

(Газетанинг навбатдаги сони 10 март, пайшанба куни чиқади).

Ўзтелерадиокомпания жамоаси Эстрада симфоник оркестрининг бадиий раҳбари ва бош дирижёри Алишер Икромовга отаси
Каримжон ИКРОМОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Бадиий академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти жамоаси Мусиқа тарихи бўлими етакчи илмий ходими, санъатшунослик фанлари доктори, профессор
Абдуманнон Файзуллаевич НАЗАРОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Молия институти жамоаси Математика кафедраси доценти Шоҳўлат Бобожоновга дадаси
ШОМАШРАБ отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигига қарашли Республика мусиқачилар тарбияловчи мактаб-интернати маъмурияти нафақадаги кимё-биология ўқитувчиси, кимё фанлари номзоди
Ниматжон АЛИМУҲАМЕДОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Диёр савдо уйи» МЧЖ шаклидаги қўшма корхона жамоаси бош директор Қобилжон Ниёзовга падари бузруквори
Турғун ота НИЁЗОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 261. 32634 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Навбатчи — Ҳ. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 19.00 Топширилди — 19.20 12345